



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 15-oktabr. Seshanba • 123 (31.713)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Самимий қутловлар

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаklar билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти

Барак Ҳусейн ОБАМА;

Иордания Подшоҳи

Абдуллоҳ Иккинчи бин

ал-ҲУСАЙН;

Қатар Давлати Амири

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ;

Қатар Давлати Бош вазири,

Ички ишлар вазири

Шайх Абдуллоҳ бин

Носир бин Халифа Ол СОНИЙ;

Фаластин Давлати Президенти,

Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси,

Фаластин миллий маъмурияти раиси

Маҳмуд АББОС;

Озарбайжон Республикаси Президенти

Илҳом АЛИЕВ;

Туркменистон Президенти

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ;

Тожикистон Республикаси Президенти

Имомали РАҲМОН;

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх ул-ислом

Оллохшукр ПОШШОЗОДА ўз табриklarини йўлла-

дилар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари.

Ушбу саодатли кунларда Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан муборак заминда ҳаж ибодатини адо этаётган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажариш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган имконият ва қулайликлар Сизнинг ўз халқингизга бўлган оталарча ғамхўрлигингиз намунасидир.

Мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларга кўрсатилган алоҳида эътибор ва эҳтиромингиз туфайли азиз авлиёларимиз қадимжолари обод этилиб, халқимиз ардоғидаги табаррук манзилларга айлантирилиши, юртимиздан етишиб чиққан буюк олим-фузалолар асарларининг нашр этилиши ҳамда халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амал-

га оширилган эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, Ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби қутлуг заминда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада обод бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Мухтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан Сизга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамisha ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Ўзбекистон ҳожилари номидан муфтий Усмонхон АЛИМОВ.
Маккаи мукаррама, Арафот водийси.
2013 йил, октябрь.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти



Жамиятнинг етакчи кучи

Ундан оқилона фойдаланиш партиямиз мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилада ва жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашишни устувор вазифалар сифатида белгилagan. Айни пайтда бу мақсадлар партия ташкилотлари, «Фаол аёллар» қаноти орқали амалга ошириб келинмоқда.

Хотин-қизларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, элу-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўиши учун кенг йўл очиб беришга кўмаклашиш Ўзбекистон Халқ демократик пар-

тиясининг дастурий мақсадларидан ҳисобланади.

Шу боис хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш керак бўлади. Айни чоғда

партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда улар кучидан самарали фойдаланиш зарур. ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташкил этган икки кунлик семинарда бу борада батафсил сўз юритилди.

Семинар очилишида иштирок этган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов масаланинг асосий жиҳатларига эътибор қаратди.

2

Доимий ҳамроҳ, яқин кўмакчи

Ўқитувчи шундай касб эгасики, у тинмай мутлоаа қилиши, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида бохабар бўлиши талаб қилинади.

«Обуна - 2014»

Дунёнинг нариги чеккасида содир бўлаётган воқеа ҳақида ҳам, аввало, ўқитувчидан сўрайдилар. «Ўзинима бўлаёпти, тушунтириб беринг, бундай-ундай воқеалар ростми?» каби саволларни тез-тез эшитамиз. Ёки бирор масала моҳиятини тушунишда муаммо пайдо бўлса ечимини биздан кутадилар. Рост, муаллим нафақат таълим-тарбия берувчи, қолаверса, зиё-маърифат тарқатувчи, маънавият тарғиботчиси ҳамдир. Бугунги кун ҳам устоз-мураббийлардан янада кўпроқ ўқиш-ни, дунёдан хабардор бўлишни тақозо этапти. Бу борада матбуот,

хусусан, «Ўзбекистон овози» кўмагидан доимо фойдаланиб келамиз.

Бизга, айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар, истеъдодли ёшлар ҳақидаги мақолалар маъқул бўлмоқда. Шунингдек, янги қонунларга шарҳлар, ижтимоий масалаларга бағишланган мақолалардан ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топаёلمиз.

Шу боис туманимиздаги 74 та мактаб ва 19 та мактабгача таълим

муассасаси жамоаси «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди. Шу ўринда бир таклиф билдирмоқчиман. Бугунги кунда ёшларимиз тарбиясини бузишга қаратилган турли хуружлар авж олиб бормоқда. Уларни ёт гоилардан асраш ҳаммамизнинг бурчимиз. Газета саҳифаларида ёшлар маънавияти ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи турли иллатлар, масалан, кашандлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, шунингдек, «оммавий маданият»нинг турли-туман кўринишларига қарши мақолалар мунтазам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аҳмаджон БОБОЕВ,
Сариосиё туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири.

4

Италияда «ДИЛХИРОЖ» янгради



4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни

бошланғич ташкилотнинг
фаоллиги ва
ташаббускорлигига
боғлиқ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

тизимда 2006 йилдан буён «Фаол аёллар» қаноти фаолият юритиб келаяпти. Айни пайтда партия аъзоларининг 158 минг нафардан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. 2009 йилги сайловлар натижаларига кўра, ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 8 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 43, туман ва шаҳар Кенгашларига 384 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

КЕЛГУСИ СОҢЛАРДА

Маълумки, айни кунларда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаяпти. Бу жараёнда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпти.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ҳуқуқий эксперимент жараёнига бағишланган мақола эълон қилинади.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ЖАМИЯТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Ундан оқилонга фойдаланиш партиямиз
мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади

— Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга, — деди у. — Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчи аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Жойларда ўтказилаётган бугунгидек амалий тадбирлар, учрашувлар бу вазифалар ижросини таъминлашга қаратилмоқда.

«СИЁСАТЧИ
АЁЛ ҚАНДАЙ
БЎЛИШИ
КЕРАК?»,
«ХОТИН-
ҚИЗЛАРНИ
ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯЛАШ-
ДА «ФАОЛ
АЁЛЛАР»
ҚАНОТИНИНГ
ЎРНИ»,
«ФАОЛ АЁЛ-
ЛАР» ҚАНОТИ
АЪЗОЛАРИ
БИЛАН ИШ-
ЛАШ ТАМО-
ЙИЛЛАРИ»
КАБИ МАВЗУ-
ЛАРДА
ИНТЕРФАОЛ
УСУЛЛАР
ОРҚАЛИ
МАШҒУЛОТ-
ЛАР ЎТКА-
ЗИЛДИ.
БУЛАР КЕЛ-
ГУСИДАГИ
ФАОЛИЯ-
ТИМИЗНИ
КУЧАЙ-
ТИРИШГА
ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ.



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қўлланган ишлар амалга оширилаётганини ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолларида кўриб турибмиз. Биз депутатлар мана шу ишларни аҳоли орасида кенг тарғиб

қилиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор бериб келямиз. Қолаверса, учрашувларда аёлларни ўйлантираётган, қизиқтираётган масалалар ҳусусида фикр алмашиб, муаммолар ечими бўйича ҳаётий тақлифлар тайёрланяпти. Партиямиз саъфидаги депутат аёллар ва «Фаол аёллар» қаноти етакчилари куч ва имкониятларини бирлаштирсак, жамиятда хотин-қизлар нufузини ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшишга эришамиз.



Жамила ШУКУРАЛИЕВА,
«Фаол аёллар» қаноти Жиззах
вилояти бўлими етакчиси:

— Вилоятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш ҳамда ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида қанотимиз ташаббуси билан қатор тадбирлар ташкил этилди. Масалан, «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» ҳамда «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳалари доирасида амалий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, депутатлар, қанот етакчилари Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорлигида 81 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, ижтимоий нафақалар ўз вақтида олинишида амалий кўмак берилди ва 63 нафар оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 7 нафар хотин-қизга ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит олиши учун ёрдам кўрсатилди.

Бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтиришда бугунги семинар аниқ мудоа бўлди. Таъриба алмашиб жараёнида хотин-қизларнинг қизиқиш ва имкониятларини тўғри йўналтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш бўйича аниқ тавсияларга эга бўлдим. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида мазкур йўналишдаги семинарларни ташкил этсак, бу — аёллар орасида етакчилик салоҳиятига эга бўлганларни аниқлаш, уларнинг келгусида партия ташкилотларида ишлаш, депутатликка номзод сифатида тайёрлаш, партия дастурий мақсадлари тарғиботини кучайтиришга хизмат қилади.



Барно СОЛИЕВА,
«Фаол аёллар» қаноти
Андижон вилоят бўлими
етакчиси:

— Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки улар билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш имконини кенгайтиради. Чунки хотин-қизлар бу борада ҳаётий тақлифларни илгари суради. Шу боис, партиямиз тизимида хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллиги алоҳида эътибор қаратялмиш. Жойларда ташкил этилаётган семинар-тренинглар, сиёсий ўқувларда қанот аъзолари катта қизиқиш билан иштирок этиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишда, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришда бу муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирларда умумэтироф этилган илғор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Шунда тадбирнинг таъсирчанлиги юқори бўлади, қўзланган мақсадга эришилади.

Гулчеҳра АЗИЗОВА,
«Фаол аёллар» қаноти Тошкент
шаҳар бўлими етакчиси:

— Тадбирларни шунчаки ўтказишдан ҳеч кимга наф йўқ. Ҳўш, бунинг учун нимага эътибор қаратиш лозим? Нима қилсак қанот фаолияти самарадорлиги ошади? Қанотимизнинг ҳар бир фаоли бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак. Менимча, аввало, тадбирларни режалаштиришда «ундан аниқ» мақсадий кўзлашмиш, шунга мувофиқ тарзда мустақадди ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз талаб этилади.



Қанот етакчилари учун партиянинг бошқа тузилмалари билан ҳамкорликда республика миқёсида амалий ўқув семинарлар ташкил этиш, тадбирларни партия дастурий мақсадларига мос равишда режалаштириш зарур. Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган ишларни тизимли олиб бориш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш юзасидан муқобил тақлифларни кўпайтириш билан боғлиқ вазифалар мазкур тадбирларда ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Дилноза ЎРИНБОЕВА,
«Фаол аёллар» қаноти Наманган ви-
лоят бўлими етакчиси:

— Хотин-қизларнинг ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишда ҳамкор ташкилотлар, депутатлар, корхона ҳамда ташкилотларда тузилган бошланғич ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бораёламиз. Айниқса, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг маълумот даражаси бўйича олиб борилаётган мониторинг жараёнида мазкур ҳамкорлик катта самара бераёпти. Муҳими, бу — тақлифларимизнинг ҳаётий ва пухта бўлишига хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи муҳокама этиладиган йиғилишларда нафақат қанот фаоллари ва депутатлар, балки шунга алоқадор бошқа ташкилотлар вакилларининг ҳам иштироки таъминланса, бу қўллаб-қувватлашга ечим топишига олиб келади.

Айни кунда оилавий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган кишиларга жуда катта қўлайлик яратилаётгани барчамизга маълум. Солиқ имтиёзлари ва преференциялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этилишига катта имкон яратмоқда. Биз эса бундан партиямиз электорати, хусусан, уйда ўтирган вақтинча ишсиз хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишда самарали фойдаланишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Семинарда қанот ва депутатлар ҳамкорлигида хотин-қизларни қийнаётган муаммолар мунтазам равишда ўрганиб борилиши, уларнинг ечими бўйича ташаббус кўрсатиш бўйича билдирилган тақлиф-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизни янада такомиллаштиришимиз керак бўлади.

* * *

Семинар-тренингда «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ва фаолларининг сиёсий билимлаштини янада мустаҳкамлаш, қанот фаолиятини такомиллаштириш, сиёсатчи аёлларнинг партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

«Сиёсатчи аёл қандай бўлиши керак?», «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашда «Фаол аёллар» қанотининг ўрни», «Фаол аёллар» қаноти аъзолари билан ишлаш тамойиллари» каби мавзуларда интерфаол усуллар орқали машғулотлар ўтказилди.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари Рустам Комилов, Шарбат Абдуллаева, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Мухтасар Абдурахмонова иштирок этди.

Семинар сўнггида қанот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлиф-таъсирлар ишлаб чиқилди. Бу партиямиз «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар

Қуйи бўғин
ташаббуси

сиёсий партиянинг
устувор вазифаларини
амалга оширишда
муҳим ўрин тутати.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Чунки улар электорат билан бевосита алоқада фаолият кўрсатади, аҳолини ўйлантираётган масалалардан яхши хабардор бўлади. Қуйи бўғини фаолияти кучайиши орқали партия ўз таъсир кучига, хайрихоҳлари, тарафдорлари ҳамда қўллаб-қувватловчилари билан мунтазам иш олиб бориш механизмига эга бўлади.

— Биз қуйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилаёламиз, — дейди ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси Камолиддин Ақромов. — Туманимизда партиямизнинг 3700 нафарга яқин аъзоси 122 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бугунги кунда «3-автобус саройи» ОАЖ, туман давлат солиқ инспекцияси, давлат санитария эпидемиология назорати маркази, 15-, 14-оилавий поликлиникаларда энг фаол бошланғич ташкилотларимиз фаолият юритади. Уларнинг кўпчилигида партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш борасида катта тажриба тўпланган. Туман партия кенгаши бундай бошланғич ташкилотларни кўпайтиришга, уларнинг партия дастурий мақсадларини ҳаётга жорий этишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бевосита бошланғич ташкилотларнинг ўзида ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва бошқа мутахассислар иштирокида бугунги куннинг долзарб мавзулари ҳусусида фикр алмашилмоқда. Буларнинг барчаси БГТ ва унинг атрофида бирлашган аъзолар фаоллиги, сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади.

— Жамоамиз шаҳар ичи ва атрофида 21 та йўналиш бўйича аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда, — дейди «3-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Анвар Жўраев. — Бу ерда 660 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг 80 фоизи ёшлардан иборат. Ишга келаётган ёшларни ўқитиш, малакасини оширишни ташкил этиш тизими йўлга қўйилган. Аммо бевосита аҳоли билан ишлайдиган транспорт корхонаси ходими нафақат касбий нуктаи назардан, балки, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам етарли билимга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Шу маънода ЎзХДП бошланғич ташкилот фаолияти барчамизга қўл келмоқда. Туман партия кенгаши

билан ҳамкорликда тез-тез ўтказиладиган учрашувлар, семинарларда ўзим ҳам қизиқиш билан иштирок этаман.

— Партиямиз сафида бўлишни истаганлар сони кўпайиб бораёпти, — дейди ишлаб чиқариш техника таъминоти бўлими бошлиғи, БГТ етакчиси Тоҳир Носиров. — Биринчи навбатда уларни партия Сайловди дастури ва мақсади билан таништирамиз. Ҳозирда 33 нафар аъзосимиз бор. Улар ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирларни янада кўпроқ ўтказиш тақлифини билдиришмоқда.

Яқинда 4 нафар ёш ҳайдовчимиз партиямизга аъзо бўлди. Жамоамизда ёшларнинг кўпчилиги, сиёсий-партиявий фаолиятга қизиқувчилар сони ортиб бораётганини ҳисобга олиб сиёсий ва ҳуқуқий маданият, меҳнат ҳуқуқи, манфаатларни ҳимоялаш масалаларига қаратилган тренинглар ташкил этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурий вазифаларидан ҳисобланади.

— Биз ҳар қуни турли одамлар билан учрашамиз, мулоқотда бўламиз, — дейди 50-йўналиш ҳайдовчиси, ЎзХДП аъзоси Асадилло Тўлаганов. — Улар ўз ютуқлари, муаммолари ҳақида сўзлашади. Биз ҳамкасблар билан биргаликда улар билдирган фикр-мулоҳазаларни таҳлил этамиш. Шулар асосида бошланғич ташкилотимиз орқали туман партия кенгашига турли масалалар бўйича тақлифларимизни бериб борамиш.

— Бугун нафақат пойтахтимиз, балки бошқа шаҳар ва оиласи туманларда ҳам бир-биридан чириб, замонавий автоуловлар йўловчилар узогини яқин қилмоқда, — дейди ҳайдовчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Латипхон Абдуғаппаров.

— Биз эски автобуслар захматини чекканмиз, қийналганмиз. Бугун йўлларимиз, кўприкларимиз, бекат-шоҳ-бекатларимизни кўриб, хурсанд бўламиз. Менинг икки ўғлим Абдуқўқур ва Абдусаматлар ҳам 118- ва 85-йўналишларда ҳайдовчи бўлиб, халқимизга хизмат қилмоқда. Бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири кечаги кунимиз билан бугунги ҳаётимизни таққослаб, мустақиллик беқиёс имкониятлар бераётганини шу каби оддий мисоллар билан ёшларга тушунтириб боришдан иборатдир...

Бошланғич партия ташкилот фаолияти билан танишиб, у партия электорати орасига тобора чуқурроқ кириб бораётганига амин бўлдик. Энг муҳими, бу ерда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ташвишга солаётган масалаларни ўрганиб, туман партия кенгаши, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимизга тақлифлар бериб бориш бўйича яхши тажриба тўпланган. Амалий ишларга туфайли бу бошланғич ташкилот ташаббускор сиёсий кучга айланиб бораёпти.

Басандон ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



(YuA) olgan suratlar.



Қўшнининг ҳақи

Халқимизда азал-азалдан қўни-қўшничилик қадрланиб келинади. Яхши-ёмон кунларда ҳамсоғлар билан баҳамжиҳат иш қўрилган. Қўшничилик одоб ва одатларига қаттиқ риоя қилинган. «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», «Ховли олма, қўшни ол», деган ҳикматлар шу боис пайдо бўлган.

Йиллар давомида бир маҳаллада яшаб, бир-бирига елкадош бўлган қўшнилари бора-бора ўзаро қариндошга айланади. Мабодо яшаш манзили ўзгарганда ҳам, меҳр ришталари узилиб кетмаслигига ҳаракат қилинади.

Қўшничилик олий қадрият бўлиши билан бирга, унинг нозик томонлари ҳам бор. Ҳатто таомда ҳам ҳамсоғнинг ҳақи бўлади. Зеро, муборак ҳадиси шарифда «Шўрва қилсангиз, сувидан кўпроқ солиб қўшингизга ҳам улашинг», дейилган.

Ота-боболаримиз хонадонлари-

да бирор тансиқ таом пиширилса, албатта, қўшнига ҳам илганлар. Ҳақиқатан, уйда пиширилаётган таом ҳиди қўшниникига ҳам чиқди, унинг насбидаси ажратиб қўйиш одати эгзу аъналар сирасига киради. Шунингдек, байрамлар арафасида, хашарларда маҳалла аёллари йиғилиб сумалак, ҳалим каби тансиқ таомларни таёрлаши ҳам ибратли тадбирлардан саналади. Бундан кўзланган асосий мақсад фақат таом ейиш эмас, шу бахона маҳалла аҳлини бир жойга йиғиш, уларни бир-бирига янада яқинлаштиришдир.

Агар қўшни сафарга кетса, оила-сидан хабар олиб турилади, уй-жойи, мулки, хонадон аҳли ҳимоя қилинади.

Расул алайҳиссалом буюрадилар:

— Биласизми, қўшнининг ҳақи нима? Ёрдам сўраса, ёрдам берасиз. Қарз сўраса, қарз берасиз. Камбағаллашса, рўзғорига мадад бериб турасиз. Хасталанса, зиёратига борасиз. Вафот этса, жонзасига қўшиласиз.

Омад кулиб боқса, уни қутланг. Бошига мусибат тушса, таъзиясида бирга бўлинг. Ундан руҳсат бўлмаса, уйингизни қўшнининг уйдан баланд қилиб қўрманг. Чунки уйингизни баланд қилиб қўрсангиз, унинг нимасигадиру тўсқинлик қилган бўласиз. Бирон мева олган пайтингизда ҳамсоғингизга ҳам беринг. Агар бунинг иложиси бўлмаса, уйга олиб келганингизни кўрмасин. Болангизни қўлига мева бериб ташқарига чиқариб юбормангки, қўшингиз болангизни кўнгли ўқмасин. Қозонингизда

қайнаган гўшт ҳиди қўшнининг уйига ҳам таралади. Бу ҳолат мақбул эмас. Агар келтирган гўштингиздан бир парчасини унга берган бўлсангиз, бунинг айби йўқ.

Замонлар оша сайқалланиб келаятган гўзал қадрият ва урф-одатларимизни ҳар қанча таърифласак арзийди. Лекин, афсуски, бугун бу аъналарга биров бе-

Нуроний отахонларимиз яхши эслашади, авваллари ҳовлиларда, кўча дарвозасидан ташқари, қўшнилари боғловчи даричалар бўларди. Буни оқибат, меҳр дари-часи, десак адашмаймиз. Тандирда ёпилган икки дона иссиқ нон, бир коса овқат билан ўша эшик орқали бир-бирини йўқлаб туришган. Қолаверса, бу дарча вақти бе-

маҳал қўшнига кўмак бериш, унинг ҳолидан тез хабар олиш имкони ҳам берарди.

Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг: «Жаброил алайҳиссалом менга қўшнининг ҳақи тўғрисида шу қадар кўп ва-сият қилардиларки, мен қўшни қўшнидан

мерос олармикан, деб ўйлаб қолдим», деган сўзлари ҳам қўшничилик нақадар нозик масала эканини англатади.

Бугун 15 октябрь бутун мамлакатимизда Қурбон ҳайити айёми кенг нишонланади. Президентимизнинг фармони билан мазкур сана дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу байрамнинг энг муҳим жиҳатларидан бири беморлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, қўни-қўшилarga ҳайит таомлари улашишдир. Шунингдек, бу байрам жамиятимизда меҳр-оқибат туйғуларини янада юксалтиришга, эгзу амаллар кўпайишига хизмат қилади.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги
«Хўжа Аламбардор»
жомеъ масжиди имом хатиби.

Мижозларга қулайлик

«Beeline» уяли алоқа компаниясининг сурхондарёлик мижозлари учун қулайлик яратилди. Яқинда Денов туманида тизимнинг янги офиси ва савдо майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Воҳада 2 миллион 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди компаниянинг вилоят бўлими бошлиғи Хуршидҷон Ибрагимов. — Бугунгача Термиз шаҳрида махсус офисимиз бор эди. Деновдаги янги мажмуанинг иш бошлагани нафақат деновликлар, балки Шўрчи, Олтинсой, Саросиё ва Узун туманларида яшовчи 1 миллионга яқин аҳоли учун ҳам айна мудабо бўлди. Ун нафар йигит-қиз эса иш ўрни билан таъминланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН
ёшлар
терма
жамоаси

олтинчи маротаба
Осиё чемпионати
финал босқичида
юртимиз шарафини
ҳимоя қилади

Футбол

Футбол бўйича Доҳа (Қатар)да ёшлар (U-19) ўртасида Осиё чемпионати саралаш босқичи «А» гуруҳи учрашувлари якунланди.

Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки уч



ўйинда галаба қозониб, охириги турда мезбонларга қарши майдонга чиқди. Гарчи унда қатарлик ёшлар 2:1 ҳисобида галаба қозонган бўлса-да, ҳамюртларимиз ўз гуруҳларида тўрт ўйиндан 9 очко жамғариб, навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичига йўланмани қўлга киритди.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келгуси йили 5 — 22 октябрь кунлари Мьянма давлатида бўладиган қитъа чемпионати Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Ушбу нуфузли мусобақада мезбонлардан ташқари, Австралия, Хитой, Индонезия, Эрон, Ироқ, Япония, Уммон, КХДР, Қатар, Жанубий Корея, Таиланд, БАА, Вьетнам, Яман вакиллари иштирок этади.

(Ўз мухбиримиз)

Италияда «Дилхирож»
янградиАзаматжон ТОШМАТОВ
олган сурат.

Италиянинг Венеция шаҳрида ўтказилган «Orphens in Italy» VI халқаро санъат фестивалида 28 та мамлакатдан 400 нафарга яқин иқтидорли ёш иштирок этди.

Андижон вилояти, Жалакудук туманидаги 18-сонли болалар музика ва санъат мактаб ўқувчиси Мафтунабону Маҳмуджонова ушбу танловда «Дилхирож»ни қуйлаб барчани лол қолдирди.

Устози Раҳим Бўронов билан тайёрлаган «Италиялик бола» қўшиғи ҳам илиқ қўтиб олинди. Фестиваль якунига кўра, Мафтунабону ҳайъат аъзолари томонидан фахри иккинчи ўринга муносиб қўрилди.

Болалигидан санъатга меҳр қўйган Мафтунабону дутор ва эстрада йўналишида таълим олаяпти. У эндигина ўн уч ёшга кирган бўлишига қарамай бир қатор халқаро кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Италияда «Дилхирож»ни қуйлаганимдан жуда бахтиёрман, — дейди у. — Фестивалда барча қатнашчилар ўз миллий куй-қўшиқларини ижро этди, улар орасида бизнинг чиқшимиз юқори баҳоланди. Мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган инсонлардан миннатдорман. Келажакда яна халқаро танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашга интиламан.

Аҳмадидило СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бокс



Жаҳон чемпионати бошланди

Кеча Алматида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди. Мазкур мусобақада дунёнинг 116 давлатидан 576 нафар спортчи ўнта вазн тоифасида волиблик учун рингга кўтарилмоқда.

AIBA (Халқаро хаваскор боксчилар ассоциацияси) мутахас-

сисларининг таъкидлашича, бу жаҳон чемпионатлари тарихидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Маълумот ўрнида шунини алоҳида айтиш керакки, 2011 йили Боку (Озарбайжон)да ўтказилган жаҳон чемпионатида 113 давлатдан 570 нафар боксчи иштирок этганди.

— Терма жамоамиз аъзоларининг кайфияти кўтаринки, — дейди Ўзбекистон бокс феде-

рацияси бош котиби Олимжон Маҳмудов. — Боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги пухта тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Уч босқичда олиб берилган ўқув-машғулот йиғинлари орқали Алматига борадиган терма жамоа таркиби аниқланди. Тошкентда Сидней Жексон хотирасига бағишлаб ўтказилган аънавий халқаро турнир ҳам ўзига хос тайёргарлик ва-зифасини ўтади.

Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Марс Кўчқоров бош мураббийлигида иштирок этишмоқда. Мураббийлар Ҳасанбой Дўстматов (49 кг), Жасурбек Латипов (52 кг), Шаҳриёр Исоқов (56 кг, барчаси Андижондан), Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг, Бухоро), Санжар Раҳмонов (64 кг), Хуршид Норматов (69 кг), Азиз Абдуғофуров (81 кг, Андижон), Рустам Тўлаганов (91 кг, Тошкент), Мирзохид Абдуллаев (+91 кг, Андижон) сингари боксчиларимизга ишонч билдиришган.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Челленжер»нинг
навбатдаги
фолиби

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида олтинчи маротаба ўтказилган «Челленжер» халқаро турнири нихоясига етди.

Теннис

Умумий соврин жамғармаси 125000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақанинг яқкалик учрашувлари финалида исроиллик Дуда Села ҳамда россиялик Теймураз Габашили кортга тушдилар. Учрашувда исроиллик теннисчи рақибини катта устунлик билан енгди — 6/1, 6/2.

Мусобақанинг жуфтлик бахслари финалида эса муҳлислар Михаил Елгин/Теймураз Габашили (Россия) — Ругав Ража/Дивиж Шаран (Хиндистон) учрашувининг гувоҳи бўлдилар. Ҳар иккала сетни ҳам бир хил — 6/4, 6/4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган россиялик жуфтлик бош совринни қўлга киритди.

Самандор БОБОРАЖАБОВ

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farroh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandashlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10422

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 20.45

Toshkent vaqti — 23.45

Navbatchi:

Temur XUDYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7772010763006

1 2 3 5